

«IST - BATTERFLAY»
Масъулияти чекланган жамияти
иштирокчисининг
2014 й. «19» август 1- сонли
қарори билан

MIRZO ULUG'BEK TUMANI HOKIMIYATI
TADBIRKORLIK SUB'EKTLARINI
RO'YXATDAN O'TKAZISH
INSPEKTSIYASI
RO'YXATGA OLINDI

2014 й. 18. 09 № 009282-04

“ТАСДИҚЛАНГАН”



**“IST - BATTERFLAY”
MAS‘ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATINING**

УСТАВИ

(ЯНГИ ТАХРИРДА)

Тошкент

Аввал Маъсулияти Чекланган Жамияти «IST - BATTERFLAY» Кушма Корхонаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 12 март № 117 – сонли гувоҳнома асосида ташкил топилган.

1-модда. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Жамият таъсисчиси «O'zavtosanoat» акциядорлик компанияси. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил «13» декабр куни 11 реестр рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси 30 уйда жойлашган.

1.2. Жамиятнинг фирма номи:

1.2.1. Давлат тилида:

- тўлик фирма номи – «IST - BATTERFLAY» mas'uliyati cheklangan jamiyati;

- қисқартирилган фирма номи – «IST - BATTERFLAY» MChJ.

1.2.2. Рус тилида:

- тўлик фирма номи – Общество с ограниченной ответственностью «ИСТ БАТТЕРФЛЯЙ».

- қисқартирилган фирма номи – ООО «ИСТ БАТТЕРФЛЯЙ».

1.2.3. Инглиз тилида:

- тўлик фирма номи – «EAST BUTTERFLY» limited liability company;

- қисқартирилган фирма номи – «EAST BUTTERFLY» LLC.

1.3. Жамият почта манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700077, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам кучаси, 17 уй.

1.4. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

2-модда. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

2.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади

2.2. Жамият алоҳида ўз мулкига, мустақил балансига, банк ҳисобварақларига, шу жумладан валюта ҳисобварақларига, давлат тилида фирманинг тўла номи ифода этилган ҳамда жамият манзили кўрсатилган думалок муҳрга, фирма номи билан шахсий штампларга, бланкларга, шахсий эмблемасига ҳамда ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ва ёзма ифода этиш бошқа воситаларига эга бўлиши мумкин.

2.3. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли барча мулки билан жавоб беради.

Жамият Иштирокчиларнинг мажбуриятлари бўйича, Иштирокчилар эса Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар.

2.4. Жамият ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ бошқа масалалар Қонун ҳужжатлари ва Устав билан тартибга солинади.

3-модда. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА ПРЕДМЕТИ

3.1. Жамиятнинг асосий мақсади Ўзбекистон иқтисодиётига ишлаб-чиқаришни илгор технологияларни олиб кириш, ички бозорини халқ истеъмоли моллари, билан тулдириш, ҳамда хар хил турдаги тижорат хизматларни курсатиш ва Жамият фаолиятдан даромад олиш.

Жамият фаолиятининг асосий предметлари:

- зангламайдиган металдан ошхона ва уй рузгор идишларини ишлаб чиқариш;
- замонвий технология ва янги техникани, хом ашё ва материалларни оқилона ишлатишни, ишлаб чиқариш чиқинди ва иккиламчи ресурсларни самарадорли ишлатишни ишлаб чиқаришга жорий қилиш;
- ташқи иқтисодий алоқалар;
- экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш;
- савдо-тижорат фаолияти, савдо-тижорат дуконларини очиш ва улар орқали ўз махсулотларини ва шунингдек, тижорат асосида чет элдан Ўзбекистон Республикасига олиб келинган махсулотларни сотиш;
- патентларни куллаш ва эгаллик қилиш ҳуқуқини олиш, лицензиялар, "Ноу-хау" технологияси ва бошқа техник маълумот ва техник алоқаларни ривожлантириш;
- диллерлик ва дистрибуторлик фаолияти;
- квалификация ва тажриба алмашиш мақсадида чет элда мутахассисларни уқитишни ташкил қилиш;
- савдо сотик, фаолияти, улгуржи ва чакана савдони ташкил этиш, коммиссион ва тижорат магазинлар тармоқларини ва кучада сотиш пунктлари очиш;

3.2. Жамият амал қилаётган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида хар қандай бошқа фаолият билан ҳам шугулланиши мумкин.

3.3. Фаолиятнинг барча турлари Жамият томонидан Қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялаштирилиши зарур бўлган алоҳида фаолият турлари билан Жамият фақат тегишли лицензиялар асосида шугулланиши мумкин.

4-модда. ЖАМИЯТНИНГ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ

4.1. Жамият мустақил равишда ишлаб чиқариш ва молиявий-хўжалик фаолиятини режалаштиради ҳамда амалга оширади, ўзининг ривожланиши истикболларини белгилайди. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни амалга оширгандан кейин қолган даромадини Қонун ҳужжатлари ва Устав доирасида мустақил тасарруф этади.

4.2. Жамият ўз номидан Қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда битимлар тузиши, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, бошқа органларда даъвогарни ҳал этишда қатнашиши мумкин.

4.3. Жамият бино ва иншоотларни, ускуналар, жиҳозлар, юк ва енгил автомобилларини, маданий-оқартув ва соғломлаштириш мулкларини, оргтехникалар, компьютерлар, пул маблағлари, акциялар ва бошқа қимматли қозғаларни ҳамда ўз фаолиятини моддий-техник таъминлаш учун бошқа мулкларни ижарага олиши мумкин.

4.4. Жамият контрагентлар билан шартнома предметини танлашда, мажбуриятларни белгилашда, хўжалик муносабатларининг Қонун ҳужжатлари ва Устав ҳужжатлари талабларига зид бўлмаган бошқа ҳар қандай шартларини белгилашда эркиндир.

4.5. Жамият мустақил ёки шартнома асосида белгиланган нархлар ва тарифлар асосида ишларни бажаради ҳамда хизматлар кўрсатади, Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Содир этилишида манфаатдорлик мавжуд бўлган битимлар ҳамда Қонун ҳужжатларига мувофиқ йирик деб тан олинган битимлар Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Чекланган ва кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни, бошқа Қонун ҳужжатлари ва Уставда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

4.7. Жамият Қонун ҳужжатларида ва Уставда белгиланган тартибда зарур мутахассисларни ишга қабул қилиш, уларга иш ҳақининг турлари, миқдори ва тизими ҳамда ишчиларнинг бошқа даромадларини белгилаш ҳуқуқига эга.

4.8. Жамият Қонун ҳужжатлари ва Уставда белгиланган тартибда хўжалик бирлашмалари ва жамиятларининг, шу жумладан шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг таъсисчиси, иштирокчиси бўлиш, бошқа юридик шахслар устав фондида (устав жамғармасида) бошқа усуллар билан иштирок этиш, ваколатхоналар ва филиаллар ташкил этиш ҳуқуқига эга.

4.9. Жамият ўз фаолияти учун зарур бўлган экспорт ва импорт операцияларини ушбу Уставга, ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мос равишда мустақил амалга ошириш ҳуқуқига эга.

4.10. Жамият фаолиятининг мақсадига қура ўз мулкига эгаллик қилади, мулкдан фойдаланади ва ўз хоҳишига қура ишлатади.

4.11. Жамият Катнашчиларнинг Умумий йиғилишида тасдиқланган намунага мос ўз муҳрига, тамгага ва ўз номи ёзилган фирма бланкаларига, савдо белгисига мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамига эга.

4.12. Ушбу Уставни тасдиқлаш пайтида Жамият филиаллар ва ваколатхоналарга эга эмас.

5-модда. ЖАМИЯТНИНГ МУЛКИ

5.1. Жамият ўзининг мустақил балансда ҳисобга олинган алоҳида мулкига эга.

5.2. Жамиятнинг мулки куйидагилардан ташкил топади:
Иштирокчининг Жамият устав фондига кўшган хиссаларидан;
Жамиятнинг захира фонди маблағларидан;
хўжалик фаолияти натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан;
олинган даромадлардан;
Қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган асосларда қўлга киритилган бошка мулклардан.

5.3. Жамият ўзига тегишли мулкка нисбатан Жамиятнинг фаолият мақсадларига ва мулкнинг мақсадига мувофиқ равишда Қонун ҳужжатлари ва Устав билан белгиланган тартибда эгаллик, фойдаланиш ва тасарруф этишни амалга оширади.

6-модда. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

6.1. Жамиятнинг фаолият юртишини таъминлаш мақсадида 4 488 012,93 (турт миллион турт юз саксон саккиз минг ун икки сўм туксон уч тийин) сум миқдорда Жамиятнинг устав фонди ташкил қилинади.

6.2. Жамиятнинг устав фонди унинг Иштирокчилари улушларининг номинал кийматидан таркиб топади.

Жамият Таъсисчилари (Иштирокчилари) куйидаги тартибда Жамият Устав фондиди шакллантирадилар:

- «O'zavtosanoat» акциядорлик компанияси – 4 488 012,93 (турт миллион турт юз саксон саккиз минг ун икки) сўм туксон уч тийин еки устав фондининг 100 % улушига эгаллик қилади.

6.3. Иштирокчилар Жамият устав фондига ўз хиссаларини пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулк хуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошка шахсга ўтказиладиган ўзга хуқуқлар билан киритишлари мумкин.

Жамиятнинг иштирокчилари ва Жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан Жамиятнинг устав фондига қўшиладиган пулсиз хиссаларнинг пул баҳоси Жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг (Кейинги ўринларда Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши деб юритилади) Жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган қарори билан тасдиқланади.

6.4. Иштирокчилар томонидан Жамият устав фондига киритилган мол-мулк кийматининг ўзгариши, Иштирокчиларнинг Жамият устав фондидаги улуши нисбатига таъсир кўрсатмайди.

6.5. Жамиятнинг устав фонди Қонун ҳужжатлари ва Устав назарда тутилган тартибда оширилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Жамият Устав фондиди ошириш.

6.6. Жамият устав фондини ошириш факатгина у тўлик тўланганидан кейин амалга оширилиши мумкин.

6.7. Устав фонди Жамиятнинг мулки ва (ёки) иштирокчиларнинг қўшимча хиссалари ва (ёки) Жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар хиссалари хисобига оширилиши мумкин.

6.8. Устав фондини ошириш иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан амалга оширилади.

6.9. Жамият устав фондини Жамиятнинг барча иштирокчилари қўшимча хиссалари хисобига ошириш тўғрисидаги қарорда қўшимча хиссаларнинг аниқ умумий киймати, ҳар бир иштирокчининг қўшимча хиссаси киймати, қўшимча хиссаларни тўлик киритишнинг муддати кўрсатилган бўлиши керак.

Жамият устав фондини камайтириш

6.10. Жамият ўз устав фондини камайтиришга ҳақли, Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса. Жамият ўз иштирокчиларининг Жамият устав фондидаги улушларининг номинал кийматини камайтириши ва (ёки) Жамиятга тегишли улушларнинг ҳақини тўлаш орқали устав фондини камайтириши шарт.

6.11. Жамият, агар бундай камайтириш натижасида устав фонднинг миқдори Жамиятнинг Уставидаги тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра Қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган устав фонднинг минимал миқдоридан кам бўлиб қолса, Қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият ўз устав фондини камайтиришга мажбур ҳолларда эса Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санадаги ҳолатга кўра Қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган устав фонди минимал миқдоридан кам бўлиб қолса, Жамият ўзининг устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.

6.12. Жамият барча иштирокчилари улушларининг номинал кийматини камайтириш йўли билан Жамиятнинг устав фондини камайтириш Жамият барча Иштирокчилари улушларининг миқдорлари сақлаб қолинган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Жамият устав фондидаги улушларнинг бошқа шахсга ўтиши

6.13. Жамиятнинг ҳар қайси Иштирокчиси Жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини Жамиятнинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотишга ёки ўзга тарзда улар фойдасига воз кечишга ҳақлидир. Бундай битимни тузиш учун Жамият бошқа иштирокчиларининг розилиги талаб қилинмайди.

6.14. Жамиятнинг ҳар қайси иштирокчиси Жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини учинчи шахсларга сотишга ҳақлидир.

Жамиятнинг иштирокчиси Жамиятнинг устав фондидаги ўз улушидан ёхуд унинг бир қисмидан учинчи шахслар фойдасига сотишдан ўзга тарзда фақат бошқа иштирокчиларнинг розилиги билан воз кечишга ҳақли.

Жамият иштирокчилари Жамият иштирокчисининг улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсга таклиф қилинадиган баҳо ва шартлар бўйича ўз улушлари миқдорларига мутаносиб равишда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Агар Жамиятнинг бошқа иштирокчилари улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда ўзларининг имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаган бўлсалар, Жамият ўзининг иштирокчиси томонидан сотилаётган улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

6.15. Ўз улушини (улушининг бир қисмини) учинчи шахсга сотиш ниятида бўлган иштирокчи улуши сотиладиган баҳони ва бошқа шартларни кўрсатган ҳолда бу ҳақда қолган иштирокчиларни ва Жамиятнинг ўзини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

6.16. Иштирокчилар ва (ёки) Жамият сотиш учун таклиф қилинаётган бутун улушни (улушнинг бутун қисмини) сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан, шундай хабар берилган кундан эътиборан 45 кун ичида фойдаланмаган тақдирда улуш (улушнинг бир қисми) Жамиятга ва иштирокчиларга хабар қилинган баҳоларда ва шартларда учинчи шахсга сотилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондидаги улушдан (улушнинг бир қисмидан) учинчи шахслар фойдасига сотишдан ўзга тарзда воз кечишга розилик олиш учун Жамият иштирокчиларига мурожаат этилган пайтдан бошлаб 45 кун мобайнида Жамиятнинг барча иштирокчиларидан розилик олинган бўлса ёки Жамият иштирокчиларининг ҳеч бири ёзма раддия берган бўлмаса, бундай розилик олинган деб ҳисобланади.

6.17. Жамият устав фондидаги улушдан (улушнинг бир қисмидан) бошқа шахснинг фойдасига ҳар қандай шаклда воз кечиш ёзма шаклда амалга оширилиши ва нотариал тасдиқланиши керак.

6.18. Жамиятнинг ҳар қайси иштирокчиси бошқа иштирокчилар ёки Жамиятнинг розилигидан қатъий назар истаган вақтида Жамиятдан чиқишга ҳақлидир.

Жами улушлари Жамият устав фондининг камида ўн фоизини ташкил этадиган Иштирокчилар ўз мажбуриятларини қўпол бузаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан Жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган Иштирокчини Жамиятдан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

6.19. Жамият ўзининг устав фондидаги улушларни Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина сотиб олиши мумкин.

6.20. Иштирокчи ўз улушини тулик киритгач, Жамият узи сотиб олиши мумкин. Бундай ҳолда Жамият бу улушини бир йил давомида бошқа Катнашчига ёки учинчи шахсга бериши шарт. Бу вақт мобайнида Жамият Катнашчиларининг Умумий йигилиши фойдани тақсимлашда, кворумни белгилашда Жамият олган улушини ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширади

6.21. Жамиятдан Иштирокчисининг Жамиятдан чикиб кетиши ёки суд тартибида чиқариб юборилиши оқибатида ёхуд Жамият томонидан Иштирокчилар улуши сотиб олинishi лозим бўлган бошқа ҳолларда улушларни Жамият томонидан сотиб олиш амалдаги Қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

7-модда. ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ

7.1. Жамият ўзининг соф фойдаси ҳисобидан йиллик ажратмалар ажратиш йўли билан Жамият устав фондининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фондини вужудга келтириш мумкин.

Йиллик ажратмалар миқдори Захира фонди Жамият устав фондининг 15 фоизига етгунига қадар Жамият соф фойдасининг 5 фоизи миқдорида, Захира фонди Жамият устав фондининг 15 фоизига етганидан кейин эса – Жамият соф фойдасининг 0,5 фоизи миқдорида белгиланади.

Жамиятнинг захира фонди Қонун ҳужжатларида ва Устав назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг зарарларини қоплаш ва Жамият томонидан Жамиятнинг устав фондидаги улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олиш учун мўлжаллангандир.

7.2. Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан Қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамиятда бошқа фондлар ҳам вужудга келтирилиши мумкин.

8-модда. ФОЙДАНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

8.1. Жамият йилнинг ҳар чорагида, ярим йилда бир марта ёки бир йилда бир марта ўзининг соф фойдасини Иштирокчилар ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

8.2. Жамият фойдасининг Иштирокчилар ўртасида тақсимланадагина қисмини аниқлаш тўғрисидаги қарор Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

8.3. Фойданинг Иштирокчилар ўртасида тақсимланиш учун мўлжалланган қисми Иштирокчиларнинг Жамият устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

8.4 Жамият қуйидаги ҳолларда ўз фойдасини Иштирокчилар ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

Жамиятнинг устав фонди тўлиқ тўлангунга қадар;

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Иштирокчи улушининг (улуши бир қисмининг) ҳақиқий қиймати тўлангунга қадар;

агар бундай қарорни қабул қилиш пайтида Жамият Қонун ҳужжатларига мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар Жамиятда шундай қарор қабул қилиниши натижасида пайдо бўлса;

агар шундай қарорни қабул қилиш пайтида Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан ва захира фондидан кам бўлса ёки шундай қарор қабул қилиниши натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса;

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

8.5. Жамият ўз Иштирокчилари ўртасида тақсимланиши тўғрисида қарор қабул қилинган қуйидаги ҳолларда Иштирокчиларга фойдани тўлашга ҳақли эмас:
агар тўлаш пайтида Жамият Қонун ҳужжатларига мувофиқ банкротлик белгиларига жавоб берса ёки агар мазкур белгилар Жамиятда тўлов натижасида пайдо бўлса;

агар тўлаш пайтида Жамиятнинг соф активлари қиймати унинг устав фондидан ва захира фондидан кам бўлса ёки тўлаш натижасида уларнинг миқдоридан камроқ бўлиб қолса;

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

8.6. Ушбу Уставнинг 8.4 ва 8.5-моддаларида кўрсатилган ҳолатлар тугаганидан кейин Жамият ўз иштирокчилари ўртасида тақсимланиши тўғрисида қарор қабул қилинган фойдани тўлаши шарт.

8.7. Жамият фаолияти давомида юзага келиши мумкин бўлган зарарлар биринчи навбатда Жамиятнинг захира жамғармаси ҳисобига копланadi.

Жамиятнинг захира жамғармаси миқдори етарли бўлмаган ҳолларда зарар Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан Жамиятда мавжуд бўлган бошқа маблағлар ҳисобига копланadi.

9-модда. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

9.1. Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши ва Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи Жамиятнинг бошқарув органи ҳисобланади.

9.2. Жамиятнинг бошқарув органи фаолиятининг Устав ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинмаган масалалари амалдаги Қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

9.3. Жамиятнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш Дирекция томонидан амалга оширилади. Дирекция уз фаолиятини Жамият Иштирокчилари Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган дирекция хақидаги Низомга асосан амалга оширади.

10-модда. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ОЛИЙ ОРГАНИ

10.1. Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши Жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланади.

10.2. Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши мутлақ ваколатлари жумласига қуйидагилар қиради:

1) Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2) Жамиятнинг устав фондини Жамиятнинг мол-мулки ҳисобига кўпайтириш ҳамда Таъсис ҳужжатларига бундай кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

3) Жамиятнинг устав фондини иштирокчиларининг қўшимча хиссалари ва Жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг хиссалари ҳисобига кўпайтириш ҳамда Таъсис ҳужжатларига бундай кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

4) Жамиятга тегишли улушни Иштирокчиларнинг улушлари миқдорлари ўзгарадиган тарзда Иштирокчиларга сотиш, шундай улушни учинчи шахсларга сотиш ҳамда Таъсис ҳужжатларига Жамиятга карашли улушни мазкур кичик бандда кўрсатилган сотиш билан боғлиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

5) Жамиятнинг Иштирокчилари ва Жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан Жамиятнинг устав фондига қўшиладиган пулсиз хиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш;

6) Таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, мазкур банднинг 2), 3) ва 4)-кичикбандларида кўрсатилган ҳоллардан ташқари;

7) Жамиятнинг устав фондини камайтириш;

8) Жамиятнинг ижро этувчи органларини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

9) Жамиятнинг тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

10) Жамиятнинг йиллик ҳисоботларини ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;

11) Жамиятнинг соф фойдасини Иштирокчилар ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

12) Жамият зарарларини қоплаш ҳақида қарор қабул қилиш;

13) Жамият органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);

14) аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;

15) бошқа юридик шахсларни, шунингдек шўъба ва қарам хўжалик жамиятларини ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

16) Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил қилиш, уларнинг низомларини (уставларини) тасдиқлаш, филиал ва ваколатхоналарни қайта ташкил қилиш ҳамда тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

17) Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ҳисоботлари ва ҳулосаларини тасдиқлаш;

18) Жамиятнинг ҳамда унинг филиаллари ва ваколатхоналарининг раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори ва шартларини белгилаш;

19) Иштирокчилар зиммасига қўшимча мажбуриятлар юклаш ва бундай мажбуриятларни тўхтатиш;

20) Иштирокчи томонидан ўз хиссасини бошқа Иштирокчи ёки учинчи шахсга гаровга бериш масаласини ҳал қилиш;

21) бошқа шахслар мажбуриятлари бўйича кафиллик бериш масаласини ҳал қилиш;

22) Жамият томонидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

23) Жамият томонидан қиймати қарор қабул қилинадиган кундан олдинги охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланган Жамият мол-мулки қийматининг йигирма беш фоизи ва ундан ортигини ташкил этадиган мол-мулкни олиш, тасарруфдан чиқариш ёки жамият бевосита ёхуд билвосита тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган йирик битимларни тузиш ҳақида қарор қабул қилиш, жамиятнинг одатдаги хўжалик фаолияти жараёнида тузиладиган битимлар бундан мустасно;

24) Жамият номидан Жамият ижро этувчи органи билан меҳнат шартномаси тузиш;

25) Иштирокчилар томонидан киритиладиган қўшимча бадалларнинг миқдори, қурилиши ва тартибини урнатиш.

26) Жамиятдан чиқариб юбориш.

27) Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

28) Тугатувчини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

29) Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши ваколатига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш.

10.3. Ушбу Устав 10.2-бандида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши томонидан бир овоздан қабул қилинади. Жамият Иштирокчиларнинг умумий йиғилишининг мажлисида бошқа қарорлар, агар ушбу Уставада ва қонунчиликда назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

10.4. Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши мутлақ ваколатлари жумласига киритилган масалалар, Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, унинг томонидан Жамиятнинг ижро этувчи органи ҳал этиши учун топширилиши мумкин эмас.

10.5. Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни, Устав ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибда ўтказилади.

10.6. Иштирокчиларнинг умумий йиғилишлари қуйидаги шаклларда ўтказилади:

Иштирокчиларнинг навбатдаги умумий йиғилиши;

Иштирокчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши.

10.7. Иштирокчиларнинг навбатдаги умумий йиғилиши бир йилда камида бир марта ўтказилади.

Иштирокчиларнинг Жамият бир йиллик фаолиятининг натижалари тасдиқланадиган навбатдаги умумий йиғилиши молиявий йил тугаган кундан бошлаб камида икки ой ўтгандан кейин, лекин олти ойдан ошмаган муддатда ўтказилиши керак.

Иштирокчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишлари Жамият ёки Иштирокчиларнинг манфаатлари бундай йиғилишларни ўтказишни талаб қилган ҳолларда ўтказилади.

10.8. Иштирокчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишлари Жамият ижро этувчи органи томонидан куйидаги ҳолларда чакирилади:

Жамият барча иштирокчилари овозларининг умумий ҳисобда ўн фоизидан ортиғига эга бўлган Иштирокчилар талабномаси бўйича;

Жамият тафтиш комиссияси (тафтишчиси) талабномаси бўйича;

Жамият ижро этувчи органи ташаббуси билан.

10.9. Иштирокчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакиришни рад этиш тўғрисида қарор фақат куйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин:

агар Иштирокчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш ҳақида талабнома тақдим қилишнинг Қонун ҳужжатлари ёки Устав билан белгиланган тартибига риоя қилинмаган бўлса;

агар Иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига таклиф қилинган масалаларнинг бирортаси ҳам Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши ваколатига тааллуқли бўлмаса.

10.10. Иштирокчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бундай йиғилиш Иштирокчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш ҳақида талабнома келиб тушган кундан бошлаб қирқ беш кундан кечиктирилмай ўтказилиши керак.

10.11. Иштирокчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш ёки чакиришни рад этиш тўғрисида қарор Уставда белгиланган муддатда қабул қилинмаган тақдирда, Иштирокчиларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чакиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ёки органлар томонидан чакирилиши мумкин.

Бундай ҳолларда Жамият ижро этувчи органи юқорида кўрастилган шахслар ва органларга Жамият иштирокчиларининг рўйхати ва манзилларини тақдим этишга мажбур.

Иштирокчиларнинг умумий йиғилишини чакириш билан боғлиқ харажатлар Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан Жамият маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

10.12. Иштирокчиларнинг умумий йиғилишини чакираётган шахслар ёки органлар бу ҳақда ҳар бир Иштирокчини йиғилиш ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин Жамият иштирокчилари рўйхатида кўрсатилган манзилларга буюртма хат билан хабарнома юборишлари шарт.

Хабарномада йиғилиш ўтказиш жойи ва вақти, шунингдек йиғилишга таклиф қилинаётган кун тартиби кўрсатилиши керак.

10.13. Иштирокчиларнинг Жамият бир йиллик фаолиятининг натижалари тасдиқланадиган навбатдаги умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш жараёнида Иштирокчиларга тақдим қилиниши лозим бўлган маълумотларга куйидагилар қиради:

Жамиятнинг йиллик ҳисоботи;

Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) Жамият йиллик ҳисоботлари ва йиллик бухгалтерия балансларини текшириш натижалари бўйича ҳулосаси;

Жамият молиявий ҳисоботларининг ишончлилиги ва бухгалтерия ҳисоботларини юритишнинг ўрнатилган талабларга мувофиқлиги юзасидан аудиторлик ҳулосаси;

Ижро этувчи органи ва тафтиш комиссияси (тафтишчиси) лавозимларига номзодлар ҳақидаги маълумотлар;

Қонун ҳужжатлари ва мазкур уставда назарда тутилган бошқа маълумотлар.

10.14. Иштирокчиларнинг умумий йиғилишини чақираётган шахслар ёки органлар Иштирокчиларга йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабарнома билан бирга Уставда назарда тутилган маълумотларни юборишлари шарт. Қун тартиби ўзгарган ҳоллард эса бундай маълумотлар қун тартиби ўзгаргани ҳақидаги хабарнома билан бирга юборилади.

Жамият ўз Иштирокчиларининг талабларига кўра юқорида кўрсатилган маълумотлар акс этувчи ҳужжатлардан нусхалар беришга мажбур. Бундай ҳужжатлардан нусха кўчириш учун олинадиган ҳақ нусхаларни тайёрлашга кетадиган харажатлар қийматидан ошмаслиги керак.

10.15. Иштирокчиларнинг умумий йиғилишини чақиришнинг Уставда белгиланган тартиби бузилган тақдирда, Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши унда барча Иштирокчилар қатнашган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади.

10.16. Қатнашчилар Умумий йиғилишида шахсан иштирок этишнинг иложи бўлмаган ҳолатларда Қатнашчи уз ваколатини (ишончномасини) ёзма равишда бошқа Қатнашчиларга ёки Жамият Қатнашчиси бўлмаган шахсга бериши мумкин.

10.17. Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши Жамият жойлашган манзилда ёки Иштирокчилар қелишувига кўра бошқа жойда ўтказилади.

11-модда. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИ

11.1. Жамиятнинг қундалиқ фаолияти устидан раҳбарлик Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи томонидан амалга оширилади.

Жамият Директори (кейинги ўринларда Директор деб юритилади) Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи ҳисобланади.

11.2. Жамиятнинг Директори Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши томонидан 5 йил муддатга сайланади. Директор лавозимига Жамиятнинг Иштирокчиси бўлмаган шахс ҳам сайланиши мумкин.

11.3. Директор:

1) Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини бошқа ташкилотлар олдида ифодалайди;

2) Жамият номидан қиймати қарор қабул қилинадиган қундан олдинги охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланган Жамият мол-мулки қийматининг йигирма беш фоизигача бўлган

миқдорни ташкил этадиган мол-мулкни олиш, тасарруфдан чиқариш ёки жамият бевосита ёхуд билвосита тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битимларни, шунингдек кийматидан катъий назар Жамиятнинг одатдаги хўжалик фаолияти жараёнида тузиладиган битимларни тузади;

3) Жамият номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар беради;

4) Жамиятнинг ташкилий тузилмасини, штатлар жадвалини, ишчиларнинг иш хақи миқдорини, уларга иш хақи ва бошқа тўловлар тўлаш тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлайди;

5) Жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни бекор қилади, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллайди;

6) Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қарорлари ижросини ташкиллаштиради;

7) Иштирокчиларнинг умумий йиғилишларини чақириш, йиғилишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади;

8) Иштирокчиларнинг умумий йиғилишига Жамият йиллик ҳисоботлари, бухгалтерия баланслари, фойда ва зарарлар ҳисобларини тасдиқлаш, фойда ва зарарларни тақсимлаш, шунингдек Жамиятни қайта ташкил этиш масалаларини киритади;

9) Жамиятни кундалик фаолиятини бошқаради.

10) Хар-хил турдаги савдо битимларини, бошқа юридик актларни тузади,

11) Жамиятнинг ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобларини банкларда очади.

12) Жамият фаолиятига тааллуқли бўлган ҳамда Қонун ҳужжатлари ва Уставга мувофиқ Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши ваколатига кирмайдиган бошқа масалаларни ҳал қилади.

11.4. Директорнинг фаолияти ва у томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби Устав ва Жамиятнинг бошқа ҳужжатлари, шунингдек Жамият ва Директор ўртасида тузилган меҳнат шартномаси билан белгиланади.

11.5. Жамият ва Директор ўртасидаги меҳнат шартнома Жамият номидан Директор сайланган умумий йиғилишдаги раислик қилувчи шахс томонидан имзоланади.

12-модда. ДИРЕКТОРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб ҳалол ва оқилона ҳаракат қилиши керак.

12.2. Директор Жамиятга ўзининг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарар учун, агар Қонун ҳужжатларида бошқа асослар ва жавобгарлик миқдорлари кўрсатилган бўлмаса, Жамият олдида жавобгар бўлади.

12.3. Жамият ёки Иштирокчилар Директор томонидан Жамиятга етказилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат этишга ҳақлидирлар.

13-модда. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ

13.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш мақсадида, Иштирокчилар умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга учта аъзодан иборат бўлган Тафтиш комиссияси сайланади. Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи вазифасини амалга оширувчи шахс ва меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлайдиган бошқа шахслар жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси) бўлишлари мумкин эмас.

Жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) вазифасини жамият билан, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи вазифасини бажарувчи шахс билан ва жамиятнинг иштирокчилари билан мулкӣ манфаатлар билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти амалга ошириши мумкин.

13.2. Тафтиш комиссиянинг аъзолари Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши томонидан 1 йил муддатга сайланади.

13.3. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ташаббусига, Иштирокчилар умумий йиғилишининг ёки Жамият иштирокчилари умумий овозлари сонининг умумий ҳисобда камида ўндан бир қисмига эга бўлган Иштирокчиларнинг талабига биноан бир йиллик ёки бошқа давр учун фаолият якунларига кўра амалга оширилади.

13.4. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) талабига биноан Директор, шунингдек Жамиятнинг ходимлари оғзаки ёки ёзма шаклда зарур тушунтиришлар беришлари шарт.

13.5. Жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) Жамиятнинг йиллик ҳисоботларини ва бухгалтерия балансларини улар Иштирокчиларнинг умумий йиғилишида тасдиқланишидан олдин мажбурий тартибда текширишдан ўтказилади.

13.6. Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) иш тартиби Жамиятнинг ҳужжатлари билан белгиланади.

13.7. Молия ҳисоботлари тўғрилигини, бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш учун Иштирокчилар умумий йиғилишининг қарорига биноан Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аудиторлик ташкилоти жалб этилади.

13.8. Жамият активларининг баланс киймати бир миллиард сўмдан ортиқ бўлиб қолса Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади.

Жамиятнинг ички аудит хизматини Иштирокчилар умумий йиғилиши ташкил этади ва унинг ходимларини тайинлайди. Ички аудит хизмати Иштирокчилар умумий йиғилишига ҳисобдордир.

13.9. Ички аудит хизмати Жамиятнинг ижро этувчи органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа

хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия хисоби ва молиявий хисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс этирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган коидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали Жамиятнинг ижро этувчи органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

13.10. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Қонун ҳужжатлари ва Уставга мувофиқ амалга оширади.

14-модда. ЖАМИЯТ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ

14.1. Жамият қуйидаги ҳужжатларни сақлаши шарт:

1) Устав, шунингдек Уставга киритилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва қўшимчаларни;

2) Жамият Иштирокчилари Жамиятни ташкил этиш билан боғлиқ қарорлари ва Жамиятнинг устав фондига қўшилаётган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни;

3) Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни;

4) Жамиятнинг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни;

5) Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомларни;

6) Иштирокчиларнинг умумий йиғилишлари ва Жамиятнинг тафтиш комиссияси мажлисларининг баённомаларини;

7) Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хулосаларини;

8) Қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни.

14.2. Уставнинг 14.1-бандида кўрсатилган ҳужжатлар Қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида сақланиши лозим. Қонун ҳужжатларида сақланиш муддати белгиланмаган ҳужжатларнинг сақланиш муддати улар кучга кирган пайдан бошлаб 3 йилни ташкил қилади.

14.3. Жамият Уставнинг 14.1-бандида кўрсатилган ҳужжатларни ўзининг ижро этувчи органи жойлашган ерда ёки Иштирокчиларга маълум бўлган ва улар учун қулай бўлган бошқа жойда сақлаши шарт.

15- модда. ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИСИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

15.1. Иштирокчилар қуйидагиларга ҳақлидирлар:

Қонун ҳужжатларида ва Жамият уставида белгиланган тартибда Жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;

Қонун ҳужжатларида ва Жамият уставида белгиланган тартибда Жамиятнинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;

фойдани тақсимлашда иштирок этиш;

Жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини Қонун ҳужжатларида, Таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бошқа Иштирокчига ёхуд учинчи шахсларга сотиш;

Жамиятнинг бошқа Иштирокчиси розилигидан қатъи назар Қонун ҳужжатларида ва Таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда Жамиятдан чиқиш;

Жамият тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш.

Иштирокчилар Қонун ҳужжатларида, Таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

15.2. Иштирокчилар:

Қонун ҳужжатларида, Таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда Жамият устав фондига ҳисса кўшишлари;

Таъсис ҳужжатлари талабларига риоя қилишлари;

Жамият иштирокчилари умумий йиғилиши қарорларини бажаришлари;

Жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.

Иштирокчиларнинг Қонун ҳужжатлари, Таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

16-модда. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

16.1. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш Қонун ҳужжатлари ва Таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда амалага оширилади.

17-модда. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

17.1. Устав давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради ва Жамият тугатилгунга ёки Уставнинг янги таҳрири давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар амал қилади.

17.2. Уставга Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Уставга киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин учинчи шахсларга нисбатан кучга эга бўлади.

17.3. Устав билан тартибга солинмаган масалалар амалдаги Қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Бошқарув раиси уринбосари

АК «O'ZAVTOSANOAT»



Т. А. Жалилов